



Бир, икки, уч, тўрт... беш; беш... олти! Етти, саккиз, тўккиз, ўн....

Кичкина, кизил ипдан безалган тўп (каптов) алжиб кочиб кетиб, ертўла огилнинг деворига ёндошиб ўскан ёш кантак ўрикка бориб тегди-да, сакраб ховузга «шўп» этиб тушиб хам кетди...

Кизлар барчаси бирдан:

— Вой, ўлаколай, ховузга тушиб кетди!—деб кич-киришиб юбордилар. Тўпни тутиш учун кувалаб бораётгон Шарофатхон хам ховуз ёнида котиб колди...

Тўп сувга шўнгиб кетиб ховузнинг ўртасидан чикди ва кизларнинг хавасли, ўйноки кўзлари олдида гердайиб, секингина суза бошлади.

Барча кизлар сув юзида эркаланиб сузиб юрган тўпга бироз карашиб турдилар-да, бу орада бир-бирларига бокишиб юмшоқкина кулишиб хам олдилар.

Тожи кассобнинг кичик кизи Тургунбуш югуриб бо-риб огилнинг томига чикди-да, бир чеккага босиб кўйилгон тут ўтинида битта узун бутокни синдириб олиб, ховуз бўйига келди ва халиги буток билан сувни ўз томонига торта бошлади; кизлар унинг теграсига дув йигилиб, тўпнинг сувдан чикишини кута бошладилар.

Сув ясама окиш билан кизлар томонга ока бошлагондан сўнг, ярим белидан сувга кўмилган тўп дам ботиб, дам чикиб секингина киргокка келди. Кизлар кийчув билан ушлаб хам олдилар.

Сув билан шалаббо бўлгон тўпни Шарофатхон олди-да, «Ху, кочмай ўлгин, тутулдинг-ку!» деб ерга урди. Унинг бу ишига Абдулла жаллобнинг кизи Тўтихоннинг аччиги келди, дарров бориб ердан тўпни олди ва:

— Хой, бунда нима ёзик? Бунинг жони бўлмаса... ўзингиз тушириб, бу боякишни тагин каргайсизми?— деб тўпни сувда чайкаб олгондан сўнг, лабини тишлаб, бор кучи билан сикмокка бошлади.

—Шарофатхон кизларга караб:

— Барибир, канча сикиб куритмокчи бўлсак-да, хўл тўп чикмайдур, энди бошка кимнинг тўпи бор?

— Вой, ўла колай, хеч кайсингларники йўкми? Салтанат, сеники бор эди-ю?

— Меники бор эди-ю, тунов кун Гулнор ўлгур, йўкотиб келибдир...

— Бўлмаса, ўйин тугабдир-да?

— Йўк, бошка ўйин киламиз!

- Ху, ўлаколсун, тўп ўйинидан ҳам яхшиси борми?
- Хай, Шарофатхон, сиз ўзингиз кира колингиз, ўрус тўпингизни олиб чикасиз!
- Ўрустўпим ёрилиб эди-ку...
- Вой, эссизгина, қачон?
- Қачонлари-ю...

Шу вақтда богнинг кичкина эшикчасидан. ховрукканча югуриб бир кичкина киз кела бошлади.

Тургунбуш бирдан:

- Ха, ана менинг синглим чикиб колди, уйга тўпга юбораман!—деди. Барча кизлар:
- Ха, ха, Фазилатни юборамиз!—дедилар.

Кичкина киз— Фазилат югуриб келиб опасининг бўйнига осилди.

- Бир чеккага чикинг, опа, сизга кизик гапим бор.

Барча кизлар бирдан:

- Кизиги ўлсин, кизиги, айтабер барчамизга!
- Йўк, опамнинг ўзига айтаман.
- Бўлмаса, опанг бизга айтиб берадир...

Эгачи-сингил ховуз бўйига кетдилар... Эшмат коровулнинг мамадана, кизик гапларни билатургон кизи Тиллахон туриб:

- Кизик гапи нима бўлар эди, айтмаса ҳам биламан.
- Айтчи, билсанг?
- Нима бўлар эди, Тургунбушга куёв келгандир!— Барчалари кулишдилар. Тургунбуш кайтиб келди-да:
- Ўла колсун, Тилла, менга куёв эмас, Шарофатхонга совчи келибдир!—деди. Кизлар бир-бирларига карашиб олдилар. Шарофатхон кип-кизил кизариб, тургон ерида котиб колгон эди.

## II

Шарофатхоннинг отаси Самандар ака илгаридан от чикаргон бир савдогар эди. Шунча огирчилик йиллар-да, киймат, касод вақтларида ишини тараклатиб келиб, охири ўзгон йили эрта баҳорда сингон. Бор-йўгини карзига сотиб берганидан сўнг, жуда сўфи бўлиб эшонларникида чувалашиб колгон эди.

Эрта билан сахарлаб эшонникига кетар, зикр бўлса-бўлмаса эшоннинг ишини килиб, кечкурун шомлатиб уйига келар эди. Уйга келгандан сўнг ҳам бир қошик куюк-суюги бўлса тотиниб, малла жойнамознинг устига чикиб ўлтуриб, қахрабо тасбехни неча давр айлан-тириб «вазифа»ларини ўкур, сўнгра то ярим кеча-сахаргача хўнгур-хўнгур йиглар эди...

Бир кун эшонникида катта ва кизгин бир зикр бўлди. Зикрга бошка шахарлардан ҳам ўтли-нафас билан ўкийтургон хофизлар келдилар. Хонакохнинг ичи зич тўлди. Эрта билан бамдоддан сўнг бошлангон «зикр» хуфтонга якин зўрга тугади. Бир неча киши ўзидан кетиб у ер-бу ерда юмаланиб колдилар ёнгон сўфилардан бир-иккитаси «жазава»нинг ортиглигидан бориб ўзларини ховузга ташладилар. Кискаси, бу кун киёмат бўлди.

Эртаси куни эрта билан хонакохнинг меҳроби олди-да хазрат эшон ўлтурганлар, икки ёнларида учтадан олти хофиз, бир ўн беш чамаси муридлар...

Эшон кутлуг бошларини куйи солиб «сукут»га кетканлар.

Ташкарида тўполон, шовкин, бири кўй етаклаган» бири нон кўтарган, бири кийим сарпо... Самандар ака хонакохдан чикди, халиги назрларнинг барчасини кўрди, кўздан ўтказди.

— Ха балли, баракалла, Султон Орифнинг жамолларини кўринг!— деб жавраб, хазрат эшоннинг кучог-кучог дуоларини хонакохдан чиқариб бериб тургон сўфи кулиб, ўйнаб Самандар акага каради-да:

— Ха, бой ака, назрдан дарак борми?—деди, Самандар ака дарвозадан чиқар экан:

— Бўлиб колар, сўфи!— деди.

Самандар ака уйга келгунча кўнглидаги туйгулар билан тортишиб келди. Ўзининг пири ва устозига тузуккина, каттагина, иложи бўлса бошка муридлар бера олмагон бир нарса бермакчи эди. Бирок, уйда арзигудек бир нарса йўк. Арзийтургон нарсалари бўлса, барчаси қарзга кеткан... Кўп ўйлади, бирок ҳеч бир нарсага кўнгли қарор топмади.

— Агар илгариги вақтим бўлса, ола кашкани тутар эдим...

Кўнгли оғриди, бир замонги бойликлари, давлатлари эсига тушди: ола кашкаси, тўрук йўргаси, бўйи тевадек Масков зовуд оти... уч файтўн, ер-суви...

Унча-мунчани беришни ўзига эп билмади. Бошка назрларни босиб кетгундек бир нарса беришга ўйлар эди.

Бирдан Йўлдош бойвачча эсига тушиб кетди.

— Йўлдош бойвачча ўн ботмон гуруч, битта яхши улоқчи от, бош-оёқ кийим берди...

Шундай хаёллар билан хавлисига етиб, ичкари уйга кирмакчи бўлгон эди, хотини тўхтатди:

— Ичкарида хотинлар бор, сиз ташкари уйга кириб тулинг, кўноқларга ош-сув қилгон эдим, мен сизга ош олиб чиқай!

Самандар ака кичкина товоқдаги ошни ёлғиз ултириб емакка тутинди. Ошни яримлатгон ҳам эди, олдига хотини чиқиб қаршисига ўлтирди:

— Яхши ҳам келиб қолдингиз, отаси, қизингизга совчилар келиб, мен нима дейишни билмай туриб эдим!

— Ким экан улар, қаердан экан?

— Анови Азиза отин билан Рустам аканинг хотини... ўзингизнинг эшонингизникидан совчи бўлиб келишибдирлар... Энди эшоннинг ўзлари ҳам «қариб қуйилмагон, ачиб суйилмагон»лар, дея иккита хотинлари устига тагин бу...

Бу сўзни эшитиши биланок Самандар аканинг кўзлари чакчайиб кетди:

— Тўгрими, эшонникиданми, тўгрими? Эшон нега ўзимга мазмун қилмадилар экан?

— Энди катта одам, мен совчиларга хали қизим ёш, энди 17 га қикди, дедим. Шундай деб жавоб бера қолайми?

Бу вақт қимдир, ташкаридан бир хотин товуши эшитилди:—Кумрибуш, кўноқлар туришдилар!—Кумрибуш ўрнидан турди, эрига бир нима дегандек каради.

Самандарбой бир ёш қизини, бир эшонни, бояги назр-ниёз масаласини, энг сўнг қимсан хазрат эшоннинг қуёвликларини ўйлаб турди-да:

— «Битта қизимиз бўлса, хазрат эшонимизга тутдик, садагалари кетсун!» дегил!— деди.

Кумрибуш қутилмаган бу гапдан оқарди, кўқарди, сувратдек қотиб деворга суялиб қолди...

Шарофатхон Самандар аканинг битта-ю битта кизи эди. Бу киз шу тегранинг кўрклиликда, чеварликда, шўхлик ва ўйнокиликда битта-ю биттаси эди. Махалла-кўйнинг ўспурунларидан иккита-учтаси бир ерга йигил-салар, топгон-тутгонлари шул Шарофатхон масаласи бўлур. «Бу киз кайси худо ярлакагонники бўлур экан? Кимнинг уйини обод килар экан?» деб бош огритарлар эди.

Шарофатхоннинг эшонга берилиш хабари чиккондан сўнг, бутун махалла-кўй яна бир неча кун шунинг довригини килишдилар.

Кўчада катор-катор аравалар чопишиб, бир-бирларидан ўзишадирлар.

Ўн-ўн беш аравага тўлгон хотинларнинг тартибсиз «ёр-ёр»лари дунёни бузиб, кўкни кўтариб борар эди.

Сандик, кўрпа, гилам, тугун ва бошка нарсалар юклаган ва юклар устига яна битта-иккита кампир ўткизган аравакашлар илгаригилардек бир-бирлари билан басма-баслашиб чопишар эдилар.

Шу гулдир-шолдир, шовкин-сурон, кий-чув билан кетаёткон кўч энг сўнг эшоннинг эшигига якинлашди. Кўчанинг ўртасига гуруллашиб ёкилгон, алангаси осмонга чиккон ўтнинг теграсига тўплангон бир тўп эркаклар товушларининг борича «ёр-ёр»ни чўзгон; уларнинг бериги бикинида бошига паранжи ёпингон, чопон ташлагон, рўмол тутгон хотинлар, келинлар, кизчалар... ўз олдиларига катта тўп бўлиб, улар хам «ёр-ёр»ни кўйиб юборгон эдилар.

Тахта-тахта кўпурук тахтинг бўлсин, ёр-ёр,  
Пайгамбарнинг кизидек бахтинг бўлсин, ёр-ёр!  
Узун-узун аргамчи халунчакка ёр-ёр,  
Чакан кўнглак ярашар келинчакка ёр-ёр.

Ўтнинг теграсига тўплангон эр-хотин барчаси бирдан: «Келин келди, келин келди!» деб юборишдилар. Бир неча йигит кучок-кучок гўзапоя олиб чикиб, ўтнинг ўртасига ташладилар, ўт яна кучайди, яна аланга берди.

Хар ким питирлаб кимирлаб колди. Болалар киз келаётгон томонга караб чопишиб кетдилар.

Шовкин, тўполон орасида аравалар етдилар. Халк орасида:

— Ана келин, ана киз тушган арава!—деган гаплар бошланди.

Аравакаш келинли аравани «намойишкорона» бир суратда ўтнинг ўртасидан отни камчилагонча олиб ўтиб, эшикка якин бир ерда тўхтади.

— Куёв почча, куёв почча! Таксирим канилар? Коч, коч,— деган товушлар кўтарилди.

Бир вақт оппок соколли, кари, бўшашгон бир чол (куёв тўра) устига зарбоб тўн кийиб, катта ўрама бел-бок боглагони холда бирмунча оксокол муридлари ўртасида секингина судралиб аравага якинлашди. Яна халк ўртасида:

— Кўтаринг-а, куёв почча, кўтаринг-а!

— Ўзингизни тетик тутинг, таксир!

— Ха, таксир, кўтаринг!

Чол титрак кўлларини аравага узатиб, кизни кўтарди ва бир-икки одум босгондан сўнг ерга кўйди.

Яна халк чувирлашиб кетди:

— Баракалла, таксир, баракалла!

— Бўш келмадилар таксирим!

— Хали беллари бақувват экан таксиримнинг!

Бу шовкин, кий-чув, тўполон ярим кечага бориб тўхтади. Халиги томоша ўрни бўлгон кўчада кишилар ариб, коп-коронги, жимжит бир гўристонга айланди.

#### IV

Бу вақт эшоннинг эшигидан икки ёш йигит чикдилар.

— Хўх-хў, кўча жуда коронги-ку!

— Шуни айтгил-а, осмонда дорига ҳам битта юлдуз топилмайдур!

— Юрабер. Бу кеча худди эшонбобонгнинг кўнглидек бўлибдир.

— Тўгри-я, мен кизга ачинаман, боякиш келиб-келиб кимники бўлди-я!..

— Нимасини айтасан, отасининг уйи куйсун, одам эмас экан!

— Соколини оппок тутадек хилиб, неварасидек бир кизни аравадан олишини кара, киши чидамас экан. Шуни бир нарсага ўхшатгум келди-ю, ўхшата олмадим-да!

Шу чок бир бурчакда кўча пойлаб ётгон Мамат коровул йиглагондай килиб хуштагини чалиб олди-да:

— Нимасини айтасиз, йигитлар, дунё ўзи шундай тескари дунё экан... Лоланинг устига кор ёғди!..— деди.

Йигитлар жавоб бермадилар ва коронгилик кучогига кириб йўк бўлдилар...